



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаи
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 26 апрель, № 83 (7041)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан “Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзuidaги халқаро конференция ўз ишини бошлади.



Анжуманнинг “Аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилишни таъкил этишда давлатнинг етакчилиги роли” мавзуйига бағишланган биринчи ялпи мажлисини Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Тадбирда Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро

касаба уюшмалари конфедерацияси Умумевропа минтақавий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти раҳбарлари, 30 дан ортиқ мамлакатлардан келган халқаро экспертлар ҳамда йирик олимлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Афғонис-



тон, Албания, Озарбайжон, Беларус, Болгария, Хитой, Эстония, Грузия, Италия, Латвия, Литва, Малайзия, Молдова, Непал, Сербия, Туркия, Замбия каби давлатлар касаба уюшма марказлари, шунингдек, мамлакатимиз парламенти аъзолари, суд ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳаллий ва

хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қ. Рафиқов, “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори А. Бурҳонов, Савдо-санот палатаси раиси А. Икрамов,

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш. Қудбиев ҳамда бошқалар мамлакатимизда одамлар манфаатларини таъминлаш, халқимиз ҳаётини янада фаровон этиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юртдошларимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



Эксклюзив интервью

Аҳмед Башар ШЕН:

«Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари жаҳон миқёсида эътирофга лойиқ»



Туркия — мамлакатимиз ташқи сиёсатида алоҳида ўринга эга. Ушбу давлат Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. Қолаверса, ўзбек ҳамда турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари ўзаро боглаб туради.

Хар икки халқ ҳам туркий тилда сўзлашувчилар бўлиб, уларнинг маданияти, дини ҳамда урф-одатлари бир-бирига жуда яқин.

Яна бир муҳим жиҳати, Туркиянинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги, туризм салохияти, давлатчилик борасидаги юксак тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга.

Мухбиримизнинг Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Аҳмед Башар ШЕН билан уюштирган эксклюзив суҳбатни икки томонлама муносабатларнинг янги даври ҳақида бўлди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатлар бугун бутунлай янги суръатларда ривож топмоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро мулоқотлари ҳам мунтазамлик касб этапти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили Туркияга амалга оширган давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Орадан бир қанча муддат ўтганига қарамай, ана шу ташрифини, унинг самараларини экспертлар, кенг жамоатчилик алоҳида эътироф қилмоқда. Шу ҳақда Сизнинг ҳам фикрларингизни билмоқчи эдик?

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 — 27 октябрь кунлари Туркияга амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларимизнинг келажаги нуктаи назаридан бурилиш нуктаси бўлди. Дастлаб муҳтарам Президентимиз Режеп

Таййип Эрдоғуннинг 2016 йил Самарқандга амалга оширган ташрифи, кейинроқ Ўзбекистон раҳбарининг Туркияга тарихий ташрифидан сўнг ўзаро алоқалар стратегия шериқлик даражасига кўтарилди. Натижада ҳар қандай соҳада муносабатларимиз тобора мустақамланмоқда.

Ушбу ташриф доирасида, шунингдек, турли идоралар ва ташкилотлар ўртасида жами 22 та битим имзоланди. Айни пайтда икки давлат Президентлари томонидан келишиб олинган масалалар ҳам элчионамиз, ҳам мамлакатларимизнинг бошқа идора-ташкилотлари томонидан қатъий назорат этиб келинмоқда. Шу йўл билан келишувларни амалда жорий қилиш, уларнинг қозғалдири қилиб кетмаслиги учун астойдил интиляяпмиз. Бу борада маълум муваффақиятларга эришганимизни ҳам айтиб ўтиш керак. Чунончи, икки томонлама савдо жадал ривожланаётди.

(Давоми 3-бетда).



«Ўзбекистон раҳбари жойлардаги асл вазиятни чуқур билади»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий соҳа ходимларининг жамоат ишларига мажбурий жалб этилиши, бу борада айрим маҳаллий раҳбарлар йўл қўйган қонунбузарлик ҳолатлари ҳамда кўзбўямачиликларга нисбатан билдирган жиддий танқиди хорижий оммавий ахборот воситаларида ўз акс садосини бермоқда.

Дунё нигоҳи

Хусусан, “Regnum” ахборот агентлиги (Россия) қайд этганидек, жорий йил 13 апрель кунини Ўзбекистон Президенти Сайхунбод туманида вилоят фаоллари билан учрашди. “Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Шавкат Мирзиёев вилоятларга сафарлар олди-дан давлат хизматчилари томонидан кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганини кескин танқид қилди”, дея хабар беради агентлик.

Шавкат Мирзиёевнинг узок йиллар Бош вазир лавозимида ишлагани ҳамда жойлардаги асл вазиятни чуқур билишини эътироф этар экан, “Reuters” агентлиги (Буюк Британия) Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда кенг қўллами ислохотларни бошлаб юборганига юқори баҳо беради.

Буюк британиялик журналистлар Ўзбекистон раҳбари ҳудудлардаги кўзбўямачилик ҳолатларини таг-туғи билан йўқотишга қаратилган чораларни ишлаб чиқишни топширганини маълум қилди. “Фуқароларни мажбурий равишда ободонлаштириш иш-

ларига жалб этишга йўл қўйган амалдорлар, керак бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади”, дея ёзилади агентлик хабарида.

Уқувчилар сони бўйича Кирғизистонда етакчи ўринда турувчи “24.kg” ахборот агентлиги тарқатган материалда Ўзбекистон Президенти Сидраф вилояти фаоллари билан учрашувда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги 42-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Диана Еникеева жамоат ишларига жалб қилинган вақтда машина уриб кетиши оқибатида вафот этганини жуда куйиниб гапиргани хабар қилинади. Шавкат Мирзиёевнинг бу каби ҳолатлар республикада юритилаётган сиёсатга хиёнат экани, маҳаллий раҳбарларнинг бундай нотўғри хатти-ҳаракатлари ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши хусусидаги сўзлари мақолада алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Тожикистоннинг нуфусли “ASIA-Plus” медиа-гурухи веб-сайтида жойлаштирилган мақолада эса Ўзбекистонда юқоридаги каби ҳолатлар яна қайтарилмаслиги учун ҳуқуқий механизм яратиш бўйича ишлар олиб борилаётгани айтилади. “Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ишлаб чиқилиши кутилмоқда”, дея ёзади тожикистонлик журналистлар.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



26 апрель — «Амир Темур» ордени таъсис этилган кун

Куч-қудрат ва адолат тимсоли



“Амир Темур” ордени мамлакатимизда соҳибқирон сиймосига кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эътибор ифодасидир.

Орден марказида соҳибқироннинг от устидаги улғувор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шийор — “Куч — адолатда” сўзлари битилган. Бобокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди теран акс этган бу ҳикмат бугунги кунда давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг ҳам туб мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустақамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жум-

ладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади. Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бирликлари ҳам ушбу орден

билан муқофотланиши мумкин. 1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Самарқанд ҳамда Шаҳрисабз шаҳарлари, 2014 йил 22 августда Термиз шаҳри “Амир Темур” ордени билан муқофотланган. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Рустам Қосимжонов ҳам ушбу орден билан тақдирланган.

Бу йил мамлакатимизда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, буюк саркарданинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари доимо улуғланаверади. Унинг сиймоси барчамизни янгидан-янгича зафарларга, ютуқларга ундовчи куч-қудрат манбаи, буюклик ва адолат тимсоли бўлиб қолаверади.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Янги қонунлар

Айни пайтда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти аҳоли, шу жумладан, тадбиркорлар ўртасида кенг тушунтирилмоқда, оммавий ахборот воситаларида изчил ёритилаяпти.

Давлат харидларида коррупцияга йўл қўйилмайди

Айтиш жоизки, бу сайъ-ҳаракатлар мазкур ҳужжатнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишини таъминлаш баробарида, тадбиркорлик субъектларининг янада фаол иш олиб боришларига қулай шарт-шароит яратишни кафолатлайди. Ҳўш, давлат харидларининг ўзи нима? Яқинда кучга кирган Қонуннинг асосий янгиликлари нима-лардан иборат?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновация ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган семинарда ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор қаратилиб, соҳа мутахассислари юқоридаги саволларга жавоб қайтардилар.

— Қонун қабул қилинишидан аввал мазкур соҳа 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган, бунда давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги натижасида ҳуқуқий қоллициялар вужудга келган. Кўп босқичли келишишлар ҳамда тақорловчи тартиб-таомиллар коррупцияга шароит яратган ва кўп вақт йўқотишга сабаб бўлган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бўлим бошлиғи Абдор Гадов. —

Президентимиз томонидан шу йил 9 апрелда имзоланган Қонун давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат харидлари очқилиги ҳамда шаффофлигини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Айни пайтда Қонун ижроси доирасида ваколатли орган томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, махсус ахборот портали белгилаб олинди. Бугунги кунда барча давлат харидлари иштирокчилари ва буюртмачилари халқ.uz сайтига кириб, мазкур портал тўғрисида маълумотларга эга бўлишлари, унда рўйхатдан ўтиб, харидларда қатнашишлари мумкин. Бунда, энг аввало, бюджет ташкилотларининг ҳам, корпоратив ташкилотларининг ҳам, товар етказиб бериувчиларнинг ҳам электрон рақамли имзодан фойдаланиши талаб этилади. Электрон рақамли имзоларсиз давлат харидлари, яъни электрон харидларида қатнашиш имконияти чекланган. Шу билан бирга, Қонунда саккизта муҳим принцип белгилаб берилди. Буларнинг энг асосийси, давлат харидларида рақобат ҳамда шаффофликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).



Бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди

Мамлакатимизда халқ ва юрт келажагини ўйлаб олиб борилаётган изчил сиёсат аҳолининг барча қатлами манфаатларини ифода этмоқда.

Сенатор мушоҳадаси

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги Фармони ана шундай эзгу сайъ-ҳаракатларни мазмунан янада бойитди. Ушбу ҳужжатда белги-

ланганидек, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фонднинг ялпи хатлови яқка тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қонунийликни таъминлаш масалаларида тизимли ҳамда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатди.

(Давоми 3-бетда).



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА:

«ОТА ЮРТИМ — БУЮК ҚЎРҒОНИМ, ОНА ХАЛҚИМ — СУЯНГАН ТОҒИМ»

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижодкор зиёлилар катта мамнуният билан кутиб олди. Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА билан суҳбатимиз мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ва бугун ижодкор зиммасидаги масъулият хусусида бўлди.

— Чиндан ҳам, Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ғоятда оқилона қарори аллақачон-лар қакраб қолган ерга ҳаёт бахш этиш учун ёққан



ёмғирдек бўлди, — дея сўз бошлади Ҳалима опа. — Бу адабий ҳаётимизда узок вақт кутилган воқеадир. Адабиёт ва ижодкорларимизнинг мақомини юксалтириб, халқига чин дилдан

хизмат қилиши учун уларга шароит яратиб бериш мазкур ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини англайди. Бу қарорда акс этган кадр ва эҳтиром, тарихий бўрилиш, албатта, зарур эди. Унда саксон йиллик йўлни босиб ўтган ижодий ташкилотимиз — Ёзувчилар уюшмасининг юқори савияда олиб бориши лозим бўлган фаолияти аниқ кўрсатиб берилган. Бунда ташкилий-моддий, кадрлар масаласи-ю, адабиётимиз келажаги бўлган ёш ижодкорлар тақдири, “Устоз — шогирд” анянаси-ю, адабий кадрларни тиклаш, китоб наشري, унинг тарғиботи, сўз аҳлини асраш, адабиётни ривожлантириш каби барча жиҳатлар қамраб олинган.

(Давоми 4-бетда).



IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

“Қасаба уюмлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этидилар ва ҳимоя қиладилар. Қасаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир”.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 59-моддаси.



ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мазкур анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган мутлақо янгича ижтимоий сиёсат мазмун-моҳиятини дунё жамоатчилигига етказиш ҳамда давлат органлари, қасаба уюмлари, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш борасидаги ҳамкорлиги ва шериклиги истиқболларини белгилаб оlishдан iborat.

Айни чоғда ушбу тадбир ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал қилишда бевосита қатнашаётган экспертларнинг тақлимулохазалари, тажрибаларини конструктив муҳокама этиш, ўзаро фикр алмашиш учун халқаро майдон вазифасини ўташи билан ҳам аҳамиятлидир. Ўз навбатида, бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга очиклигини, мазкур йўналишда фаол, амалий ҳамкорликка, халқаро ҳамда чет эл тажрибасини ўрганиш ва ҳаётга кенг татбиқ қилишга тайёр эканлигини ҳам кўрсатади.

Ҳаракатлар стратегиясида БМТнинг уч асос солувчи қақриғи, яъни тинчлик ҳамда хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари ўз аксини топганлиги иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди. Ушбу таъминлар ҳаётда ўз ифодасини топаётгани эса алоҳида эътирофга лойиқ. Буни Ўзбекистонда Давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳалар — таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳоли кам таъминланган қатламларини ижти-

моий ҳимоялашга йўналтирилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Натижада мамлакатда “Инсон манфаатлари барча нарсадан устун” деган улуғвор ғоя ҳаётдан мустақкам ўрин эгаллаб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Форумда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни яққол кўрсатиб берувчи аниқ рақам ҳамда фактлар ҳам келтириб ўтилди. Хусусан, олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида қишлоқ аҳолиси салмоқли ёрдам олиши билан бирга, турли имтиёزلарга ҳам эга бўлаётир. Масалан, биргина жорий йилнинг ўзига мамлакат миқёсида ўтган йилдагига нисбатан 2 баробар кўп тураржойлар, шу жумладан, ёш оилалар учун 1,5 мингга яқин, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга 3 минг хонадон, шунингдек, ҳарбий хизматчилар учун 100 та кўп қаватли уй барпо этилади. Қишлоқ жойларда эса барча қулайликка эга бўлган 20 мингдан зиёд уй-жойлар қурилади.

Конференция қатнашчилари томонидан бундай янгиланишлар бугун ҳамма соҳада юз кўрсатаётгани, мазкур жараёнда ўз фаолиятини Ҳаракатлар стратегияси вазибалари, асосида йўлга қўйган Ўзбекистон Қасаба уюмлари Федерацияси ҳам фаол қатнашаётгани алоҳида айтиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қасаба уюмлари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, у асосида тузилган 100 дан ортиқ тармоқ

келишувлари, 14 та ҳудудий келишув ҳамда бевосита корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг 171 мингдан зиёд жамоа шартномаларига амал қилиб келинаётгани бунга яққол далилдир. Мазкур локал ҳужжатлар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон қасаба уюмлари ушбу локал ҳужжатларга мувофиқ, ходимларнинг реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, меҳнат бозорида талаб бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳоли вакиллари-

кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чорана, тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш, бандликнинг ноанъанавий шаклларида машғул кишилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш борасида тизимли саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларини жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали моддий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб келаётир.

Ҳусусан, 2017 йилда қасаба уюмлари томонидан 3037 нафар меҳнат фахрийси тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳатларга олиб борилди. Ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг коммунал тўловлари қоплаб берилди. Турли байрамлар муносабати билан Мурувват ва Саховат уйларида маданий-маъри-

чи пенсионер имтиёзли асосда ана шундай имкониятдан фойдаланди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида қасаба уюмлари ҳамда нодавлат но-тижорат ташкилотлари вакиллари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги 2 миллион 160 минг хонадон аҳоли,

воситалари билан таъминлашдек масъулиятли ишда ҳам қасаба уюмларининг муносиб улуши бор. Бугунгача чекка туманлар ҳамда қишлоқларда 2 мингдан ортиқ ижтимоий дорихоналар ишга туширилиб, одамларнинг оғири енгил қилингани бунинг бир мисолидир.

Шулардан келиб чиқиб, тадбирда бу борада тўпланган бой тажрибани нафақат дунё жамоатчилигига етказиш, балки уларни бошқа давлатлар амалиётига татбиқ қилиш юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди. Ижтимоий мулоқотни кучайтириш, кучли ижтимоий ҳимоя йўналишида ҳамкорликни кенгайтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Халқаро конференцияда иш-тироқчиларга Халқаро Меҳнат бюроси бош директори Гай Рейдер ва Халқаро қасаба уюмлари Конфедерацияси Бош котиби Шаран Барроу томонидан йўлланган видеомурожаат намойиш қилинди.

Биринчи ялпи мажлисдан сўнг конференция иши 4 та секцияда давом этди. Уларда аҳолининг реал даромадлари ҳамда бандлик даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғи муҳофазаси бўйича давлат тизимини такомиллаштириш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизациялаш бўйича мақсадли дастурларнинг бажарилиши ва таълим ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий, хорижий ва халқаро тажриба масалалари таҳлил қилиниб, ўзаро фикр алмашилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси К. Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Акмалов иштирок этди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Мария Хелена АНДРЕ,
Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) директори:



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг устувор мақсади инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, меҳнаткашлар фаолиятини муҳофаза этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мамла-

катингизда муҳим ижтимоий-иқтисодий қарорлар қабул қилишда нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Қасаба уюмлари Федерацияси ва бизнес тузилмалари фаол иштирок этаёпти.

Яна бир муҳим воқеалик ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон ХМТнинг Бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюмларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида 87-сонли Конвенциясини ратификация қилди. Бунда Ўзбекистон Қасаба уюмлари Федерацияси фаол иштирок этгани қувонарлидир. Бугунги кунда ушбу Конвенция ХМТга аъзо бўлган 150 дан зиёд давлатлар томонидан ратификация қилинган. Мазкур қарор республиканинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қадриятларга содиқлигининг яққол намунаси.

Шу билан бир қаторда, бир қанча масалаларни ижобий ҳал этишда катта ютуқларга эришилмоқда. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилотини ҳамда Жаҳон банки экспертларининг сўнгги беш йил давомида мониторинг натижасида шунга гувоҳ бўлиндики, пахта йиғим-теримида болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш амалиётига батамом чек қўйилган. Олдимизда Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ХМТнинг мамлакатлар билан ишлаш бўйича дастуридан келиб чиқиб, босқичма-босқич бажарилиши керак бўлган янги вазибалар турибди. Ўйлайманки, барча саъй-ҳаракатимиз ўзининг ҳаётий ифодасини топиб бораверадим.

ички ва ташқи сиёсатда тўб ўзгаришлар рўй берди. Биз давлат ҳамда жамиятни ислоҳ этишда кенг қамровли ёндашувни кўраёلمиз. Асосийси, мамлакатни янада яхши қилиш учун аҳоли ўз сиёсий иродаси ҳамда истаги мавжудлигини намоён этмоқда. Бугун одамлар илғор ғоялар ва режаларни тузишга, уларни ҳаётга татбиқ қилишга фаол интиляпти.

Келгуси йили Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликда иқлим ўзгаришининг миллий иқтисодиётга таъсири, аҳолининг турмуш шароити, меҳнат бозори ҳамда ушбу йўналишдаги ижтимоий шерикликка бағишланган тадбир ўтказмоқчимиз. Ўйлайманки, бу анжуманда Ўзбекистон қўлга киритаётган тажриба барча учун фойдали бўлади.

Гоча АЛЕКСАНДРИЯ,
ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси Шарқий Европа ва Марказий Осиё сектори бош мутахассиси:



— Иш берувчи замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан бир қаторда, ходимлар учун муносиб иш шaroитларини яратиш ҳам унутмаслиги керак. Бунинг ҳаётий тасдиғини анжуман доирасида Самарқанддаги автомобиль заводига борганимизда кўрдик. Қасбий ҳамда техника хавфсизлигига ажратилган харажатлар инсон капиталига йўналтирилган инвестициядир. Ўзбекистонда ижтимоий шериклики

ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини кўриб турибмиз. Бизнинг тушунчамизда ижтимоий шериклик — иш берувчи, қасаба уюмлари ва ҳукумат ўртасида уч томонлама ҳамкорлик ифодасидир. Республикада уч томонлама мажбурият йўлга қўйилганини ХМТнинг Бирлашиш эркинлиги ва қасаба уюмларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида 87-сонли Конвенциясининг ратификация қилиниши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистонда қабул қилинаётган ҳар бир қонун ҳужжатининг муҳокамасида қасаба уюмлари фаол иштирок этаётганидир. Шу сабабдан ҳам иш берувчилар томонидан ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд эмас.

Кари ТАПИОЛА,
Халқаро меҳнат бюроси Бош директорининг махсус маслаҳатчиси:



— Юртингизда бундан бир ярим йил аввал бўлгандим. Бу вақт оралиғида кечаётган ўзгаришларни Ўзбекистон ҳаётидаги янги тарих, деб айтсам, асло мулолага эмас.

Анжуман бизнинг тақлиф ҳамда мулохазаларимиз, тажрибаларимизни конструктив муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашиш учун халқаро платформа вазифасини ўтаётди. Бу формат, шак-шубҳасиз, мамлакатингизнинг фаол, амалий ҳамкорликка очиклигини, халқаро ва чет эл тажрибаларини ўрганиш асосида аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш бўйича вазибаларни ҳал қилишга тайёрлигини ҳам намоёйиш этаётир.

Конференцияда “Янги глобал таҳдидлар шароитида ижтимоий таъминотнинг энг кам меъёрлари” мавзусида маъруза қилдим. У халқаро меҳнат қонунчилигининг мақсади — но-соғлом рақобатни чеклаш, ҳаёт ҳамда инсон хавфсизлигини таъминлашга қаратилганини ёритиб берилгани билан аҳамиятлидир. Ўзбекистонда мазкур йўналишда ишлар жадал

суръатда давом эттирилаётганлиги барчамизни жуда қувонтирди.

Эрик РАЙНЕРТ,
профессор, эксперт (Норвегия):



— Замонавий Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларида етакчи ўринларни кўлга киритмоқда. Мамлакат Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси натижасида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва дўстона қўшничилик муносабатларига асосланган алоқалар тобора мустақамланиб бормоқда. Бу халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши, жамиятнинг гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлигига хизмат қилади.

Юртингиз тарқиётида Ҳаракатлар стратегияси муҳим ўрин тутмоқда. Айнан у ҳаётга татбиқ этилаётган мутлақо янгича ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини, ҳаётий ифодасини акс эттираяпти. Шундан келиб чиқиб, халқаро конференцияда “Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси — комплекс давлат сиёсатининг намунаси сифатида” мавзусида маъруза билан қатнашдим. Унда республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратганман.

Эгилс БАЛДЗЕНС,
Латвия эркин қасаба иттифоқи президенти:

— Халқаро конференция давомида Ўзбекистоннинг нафақат ижтимоий соҳада, шу билан бирга, иқтисодиёт, молия, ишлаб чиқариш каби йўналишларда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳақида тўлиқ маълумот олаёلمиз.

Бугун мамлакатингиз дунё учун тобора очик бўлиб бормоқда. Республикада одамлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кенг қўлмали ҳамда кўп қиррали ислохотлар амалга оширилаётир. Ижтимоий муаммоларни муваффақи-

ятли ҳал қилиш учун самарали иқтисодий моделни яратиш зарур. Мамлакатингиз айнан шу мақсад сари интиляпти.



қўллаб меҳмонлар келаётганига гувоҳ бўлдик. Давлатингизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган қасаба уюмлари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза этиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш ва иш билан таъминлаш каби муҳим вазибаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутаяётганини кўрдик.

Петру КИРИЯК,
Молдова миллий қасаба уюмлари конфедерацияси раиси ўринбосари:



— Ўзбекистон кейинги йилларда улкан муваффақиятларга эришди. Давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялашдаги саъй-ҳаракатларида яққол кўринади. Ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг ўсиб бораётгани диққатга сазовор. Бунинг натижасида ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари таъминланмоқда. Анжуманда шулар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, тажриба алмашилаётир.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Динара ЧИРКОВА ва
Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Давлат харидларида коррупцияга йўл қўйилмайди



◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан англашिलाдики, давлат харидларида коррупцияга йўл қўйиб бўлмайди. Ушбу Қонун Ўзбекистоннинг халқаро рейтингда бизнес кўрсаткичлари бўйича натижалари юқори бўлишини таъминлайди. Бу эса мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, мазкур жараёнга хориқлик инвесторларни кенг жалб қилишга имкон яратеди.

Тадбирда Қонуннинг асосий тушунчалари, давлат харидларининг принциплари,

унинг субъектлари, электрон дўкон, ундан фойдаланиш тартиби каби қоидалар ҳақида батафсил тушунтириш берилди. Айни чоғда ундаги баъзи нормалар ишторочкиларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди.

— Қонун харидларнинг беш тартиб-таомилини белгилайди, ундан иккитаси давлат хариди бўйича қарор қабул қилишда инсон омилини буткул инкор этади, қолган харид тартиб-таомиллари шафдофлиги махсус ахборот порталида зарур маълумотлар чоп қилиш йўли билан

таъминланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидларини назорат қилиш бошқармаси мутахассиси Музаффар Зайкулов. — Қонунда бизнинг агентлик ваколатли орган сифатида белгиланди. Илгари давлат харидлари соҳасида ваколатли орган мавжуд эмас эди. Бу ҳам асосий ангилликлардан бири ҳисобланади. Семинарда ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилган ҳолда, тадбиркорларнинг саволларига муфассал жавоблар қайтарилди, иштирокчиларнинг айрим эътирозлари муҳокама этилди. Албатта, ўртага ташланган фирм-мулохазалар Қонун таригботини янада қучайтиришни тақозо қилады. Бу мазкур ҳужжатнинг ҳаётга самарали қўлланилишини таъминлайди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тўй-ҳашамлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари муҳокама этилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялли мажлисида қабул қилинган “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари ҳақида”даги қарорнинг ижроси таҳлил қилинди.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари ушбу масала бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини, шунингдек, фуқаролардан келиб тушаётган тақлиф ҳамда тавсияларни муҳокама қилдилар. Қайд этилганидек, билдирилган мазкур фирм-мулохаза ва тақлифлар гузарларда аҳолига қулай тўйхоналар қуриш, кафе ҳамда ресторнлар, санъаткорлар томонидан кўрсатиладиган хизмат ҳақини, оилавий тадбирлар, айниқса, ош бериш тадбирлари ўтказилиш вақтини тартибга солиш, меҳмонлар сонини аниқлаш масалаларини, қолаверса, тўй билан боғлиқ турли тадбирлар ўтказиш, асл аънаъаларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган бемаъни-бачкана одатларга йўл қўймаслик билан боғлиқ масалаларга ечим топишга

хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўрганишлар жараёнида аҳолидан бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлиги ҳақида асосли тақлифлар келиб тушди. Туманларда яшовчилар ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларига, тўй-ҳашам ҳамда ош бериш маросимларида иштирок этувчилар сонига, тўй маросимларини ўтказиш вақтида келин-кувёни олиб юрадиган енгил автомобиллар миқдорига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини билдириллар. Жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш, ўз навбатида, пуллик автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига, миллий урф-одат ва аънаъаларини менсимаслик, шухрат-парастлик, дабдабабозлик, исрофгарчилик ҳолатларига, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига путур етказилишига йўл қўймаслик бўйича талаблар ижросини назорат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ййгилишда тўйхоналар инфратузилмасини яхшилаш, масалан, автотранспорт воситалари турархойларини

барпо этиш, кафе ҳамда ресторнларга яқин ҳудудда яшовчи аҳолининг тинчлиги ва осийишталигини бузмаслик, овоз даражаси учун қоида ҳамда нормаларини белгилаш, санитария-гигиена қоидаларига, озик-овқат маҳсулотлари сифат талабларига риоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш бўйича аҳолидан келиб тушган тақлифлар атрофлича муҳокама этилди.

Билдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудларга бириктирилди. Уларнинг зиммасига ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда тегишли тақлилот вакилларини ва маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар ҳамда тўйхона эгаларини жалб қилган ҳолда, аҳолининг фирм-мулохазаларини янада чуқур ўрганиш ва тақлифларни муҳокама этиш, шунингдек, мазкур масаланинг телевидение, радио, ҳудудий босма нашрлар орқали ёритилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан бу борадаги вазиятни ўрганиш давом эттирилади.

Қобил ХИДИРОВ.

Парламент дипломатияси имкониятлари кенгаймоқда

Парламентаризм ривожининг бугунги замонавий босқичи у нафақат вакиллик, қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириши, балки ташқи сиёсат соҳасидаги алоқаларни юритишда фаол иштирок этиши билан ҳам ифодаланади.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Шу нуктаи назардан айтганда, мамлакатимизда хорижий давлатлар парламентлари билан алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Дунёнинг 40 га яқин мамлакатлари парламентларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича турли шаклдаги тузилмалар ташкил этилган. Бундан қўзланган мақсад тўғридан-тўғри мулоқотларни ўрнатиш ва парламентлар аъзоларини билраштиришдир.

Олий Мажлис парламентларо гуруҳлари таркибига 90 нафардан зиёд парламент аъзолари, хорижий мамлакатларда Ўзбекистон пар-

ламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлар таркибига 230 дан ортиқ парламентарийлар кирган.

Парламентларо гуруҳлар фаолияти доирасида Буюк Британия, Италия, Канада ҳамда Латвия парламентлари билан ҳамкорлик ҳақида меморандумлар имзоланган. Шу билан бирга, 2015 йилдан бугунги кунгача 50 дан зиёд парламент делегацияларининг ўзаро таширфлари ташкил қилинган. Ҳар йили “Ўзбекистон — ЕИ” парламент ҳамкорлиги қўмитаси мажлислари ўтказилимқда. Ҳозирги пайтгча мазкур қўмита

фаолияти доирасида ўндан ортиқ тадбирлар ташкил этилгани бунга яққол мисолдир.

2017 йилнинг октябрь ойидан мамлакатимиз ўзининг Парламентларо иттифокдаги аъзолигини тиклади ва бизнинг делегация ушбу тақилот сессияларида фаол қатнашиб келмоқда. МДХнинг Парламентларо ассамблеяси, ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси сессияларида Олий Мажлис парламент делегациялари иштироки таъминланаётгани эътиборга молик.

Миллий қонунчилик базаси таҳлил қилинганда, мазкур соҳа етарлича тартибга солилмагани аниқланди. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги Қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий

Аҳолини йлантираётган муаммолар ечимига кўмаклашилаёпти

Депутатларнинг аҳоли билан мулоқотлари чоғида асосий эътибор фуқароларни қийнаб келаятган муаммоларни жойида ҳал этишга қаратилгани ҳолда, Президентимиз томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қабул қилинган муҳим ҳужжатларнинг бажарилиши ҳам ўрганилмоқда.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ — ТУМАНЛАРДА

Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида ташкил этилган секторлар фаолияти атрофлича таҳлил этилди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тақлифлар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси депутаты Жолдасбай Абдижамиллов ўрганишларда туманининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, мактабга таълим муассасалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари, туман тиббиёт бirlашмаси ва унга қарашли оилавий поликлиникалар иши жиқдий қўриб чиқилгганини билдирди. Айниқса, томорқа ерларидан самарали фойдаланишнинг ҳаётий зарурати аҳоли ўртасида кенг тушунтирилаётганига ургу берди.

— Ҳовлимиздаги 8 сотих ерда ҳар йили картошка, пияз, қўкатлар етиштириб, оиламиз эҳтиёжини таъминлаб келаяпмиз, — дейди тумандаги “Тикўзак” овул фуқаролар ййгинида яшовчи Бахтиёр Қарлибаев. — Узум, олма етиштириладиган мўъжаз боғимиз қўшимча даромад манбаи бўлмоқда. Депутатлар сайй-ҳаракатларимизни кўпчиликка намуна қилиб кўрсатганидан мамнун бўлдик. Уларнинг томорқада иссиқхона барпо этиш бўйи-

ча тақлифи бизга жуда маъқул келди.

Парламент аъзоларининг Қашқадарь вилояти, Қасби тумани аҳолиси билан мулоқотлари ҳам қизгин ўтмоқда.

Фарзандон Феруз 2-гуруҳ ногирони, бу йил 21 ёшга тўлди, — дейди Таллюлгун маҳалласида яшовчи Наврўз Бердиев. — Анчадан буён уни 1-гуруҳ ногиронлигига ўтказишда қийна-либ юргандик. Мурожаатимиз депутатлар томонидан қўриб чиқилиб, ўғлимни комиссия кўригидан ўтказиш ҳамда тиббий ҳулоса тақдим қилиш юзасидан тегишли мутасаддиларга кўрсатма берилди. Ногиронлик аравачаси муаммоси ҳам ҳал этилди.

Мурожаатлар таҳлили туманда тиббий хизмат

кўрсатиш соҳасида малакали врачлар етишмаслиги, ишлаб чиқариш корхоналари камлиги, тоза ичимлик суви таъминотининг талаб даражасида эмаслиги, бандликни таъминлаш каби муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Ушбу масалалар юзасидан мутасаддилар фикрлари эшитилди ва жойида ҳал қилиниши мумкин бўлган бир қатор масалалар ўз ечимини топди.

Шунингдек, туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқлардаги табиий газ ҳамда газ баллонлари билан таъминланмаган аҳоли хонадонлари аниқланиб, уларга бу бўйича зарур кўмак кўрсатилди.

Парламент аъзоларининг ҳудудларда аҳоли билан мулоқотлари давом этапти.

Хидоят АҲМЕДОВ,
Ахд МҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур соҳаларда йўл қўйилган бу камчиликлар фуқароларнинг уй-жойларга эгалик қилиш соҳасидаги қонун-қоидаларнинг бузилишига ва фермер ҳўжаликлари балансида бўлган ерларнинг ҳўжасизларча тарқатилишига, фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликлари томонидан ҳуқуқий-норматив ҳўжжатларнинг бузилишига олиб келди.

Қаердаки ҳуқуқий жиҳатдан бўшлиқ бўлса, уша ерда муаммо чуқур илдиэ отади. Юқоридагидек ҳуқуқ ҳолатлар кенг тарқалиши аҳолининг, табиийки, ижтимоий муаммоларини қучайтирди. Яъни уй-жой учун зарур ҳўжжатларнинг мавжуд эмаслиги боис ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилина олмаслик, ўз

уйига эгалик ҳуқуқи мавжуд эмаслиги ҳолатларини қучайтирди. Бу ижтимоий муаммонинг йиллар давомида эътибордан четда қолиши фуқароларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳўжжатларини тўғрилай олмай, идоралар эшигиде соатлаб, оилаб вақтини ўтказишига сабаб бўлди, десак, янглишмаймиз. Бунй Президентнинг виртуал қабулхонасига 5 мингдан зиёд, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳўкмийяти органлари мансабдор шахслари сайёр қабулларига 3 мингдан зиёд мурожаатлар йўлланганидан ҳам билиш мумкин.

Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олди олинишида юқорида номи келтирилган тарихий ҳўжжат алоҳида аҳамиятга эга. Ҳўжжатга биноан, уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий

қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлари яратиш мақсадида бундай турархойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Акциянинг моҳияти шундаки, мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилган ер участкаларида кейин иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турархойга нисбатан мулк ҳуқуқи узлуқсиз эгалик қилаётган шахсга бир қанча шартлар асосида эътироф этиладиган бўлди.

Ўзошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи Вазиранг Маҳкамаси қарорига асосан ташкил этиладиган Кўнмас мулкга нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиянинг тақдимномасига қўра, туман (шаҳар)

ҳокимининг қарори билан, умумий мулк ҳуқуқи ҳақидаги фуқаролик ҳамда оила тўғрисидаги қонун ҳўжжатларининг қоидаларига амал қилиш шарти билан, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориде бир марталик ййғим тўлангандан кейин амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони қўллаб юртдошларимизнинг уй-жойга эгалик ҳуқуқига эришишига катта имконият беради. Айни пайтда фуқароларнинг мазкур масала юзасидан давлат идораларига мурожаат қилиш кўрсаткичлари сезиларли равишда камаямди. Биз, сенаторлар эса, албатта, ушбу Фармон талабларини ҳар бир юртдошимизга батафсил тушунтиришга, унинг амалиётда қўлланилиши устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратида эътиборни қучайтиришимиз айна заруратдир.

Абдимўйин ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Аҳмед Башар ШЕН:

«Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари жаҳон миқёсида эътирофга лойиқ»

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Деярли ҳар ҳафта Тошкентда туркиялик турли тармок тадбиркорларидан иборат делегацияларни қучи-толмоқда. Ўзбекистонда турк инвестициялари миқдорини ошириш бўйича чоралар қўраямиз. Икки давлат фуқароларининг ўзаро таширфлари салмоғи ҳам кун сайин қўпаймоқда. Яқин келажакда авиаташувлар сонини ортиши ҳамда Ўзбекистонга келадиган турк сайёҳлари сафи ҳам сезиларли даражада кенгайиши қучилапти.

— Яқин кунларда юртимизга Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг келиши режалаштирилган. Мазкур таширфдан нималар қучилмоқда?

— Юқорида таъкидлаганимдек, Президентларимизнинг доимий мулоқотлари Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга янги суръат бағишлади. Давлатимиз раҳбари жаноб Режеп Таййип Эрдоғоннинг амалга оширадиган таширфи Туркия ҳамда Ўзбекистон ўртасида охириги 1,5 йил ичиде олий даражада амалга оширилган учинчи таширф бўлади. Мана шу уч таширфнинг ўзиёқ ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни эришган даражани кўрсатмоқда. Президентлар бу каби таширфлардан ташқари, телефон ва бошқа имкониятлар орқали тез-тез мулоқот қилиб, ўзаро фирм алмашиб турибдилар. Бу ҳам иккала давлат етакчисининг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар соҳада ривожлантириш учун иродалир бениҳоя қучли эканини очик-ойдин намоён этапти.

Бундан ташқари, ушбу таширф

даги таширфлар доимо муҳим ўринга эга. Бирок Туркия ва Ўзбекистоннинг муҳтарам Президентларининг таширфи яна ҳам катта аҳамият касб этапти. Чунки турк халқи Ўзбекистонни ота юрти, Ўзбекистон халқини қардош халқ, Ўзбекистон Республикасини қардош давлат сифатида қўради. Бу таширф ҳамда мулоқотлар аслида халқлар ўртасида мавжуд бўлган бир неча ўз йиллик мустаҳкам ришталарнинг акс этишидир. Президентлар халқ ва давлат вакилидирлар. Президентларимизнинг учрашиши ҳам аслида халқларимизнинг бир-бирига қучок очиши рамзидир.

— Ўз фаолиятингиз давомида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси йўналишларини ривожлантириши устувор вазифа, деб ҳисоблайсиз?

— Туркия билан Ўзбекистон тарихий ришталари бир, муштарак маданий меросга эга қардош мамлакатлардир. Бундай бақувват илдиэлари бор икки юрт ўртасида ҳар соҳада ҳамкорликнинг мустаҳкам бўлишига эҳтиёқ катта. Туркия ҳамда Ўзбекистоннинг мақсадлари, муносабатлари, салоҳияти шундайки, бирон соҳани алоҳида устувор деб ажратиб мушкул. Ҳамкорлигимизни ҳар жаҳада жадал ривожлантиришимиз — асосий вазифаларимиздандир. Айни пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва турк тадбиркорларининг интилишлари натижасида иқтисодий ҳамда савдо тармоклари изчил ривож топапти.

Шунингдек, ҳарбий, маданий, таълим ва жинойтга қарши қурашиш борасида қатор умумий лойиҳалар

тайёрланмоқда. Умуман олганда, ҳар бир соҳада ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қилариниз. Қардош халқлар вакилларининг бир-бирлари юртларига таширф буюриб, ўзаро яқиндан танишишларини, яъни сайёҳлик соҳаси ривожланишини муҳим, деб ҳисоблаймиз.

— Биласиз, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти ҳақида атрофлича тўхталди. Юқсак мишбардан туриб айтилган ушбу сўзлар, шубҳасиз, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар ўртасида катта акс садо берди. Масалан, давлатимиз раҳбари ўз чиқилиши яқунлаганидан кейинок уша ернинг ўзида биринчи бўлиб Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Юртбошимизни табриклаган эди. Айтинг-чи, Ўзбекистонда ислом динини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни Туркия ҳўкумати қандай баҳолайди?

— “Тинчлик” маъносини англатуви ислом дини билан террор бир пайтинг ўзида ёдга олинишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳар фурсатда таъкидлаб келинмоқда. Шунинг учун Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида ўрин олган инсонпарварлик, эзгулик ва тинчликка йўғрилган ислом дини ҳақидаги сўзлари муҳтарам Президентимиз Режеп Таййип Эрдоғоннинг ёндашувига ўта мос келиб, икки давлат раҳбарларининг тафаккур ўхшаш-

лигини намоён этаётир. Бағоят аҳамиятли бу мавзуда Президент Шавкат Мирзиёев билан ҳамфирм эканиликларини мамнуният билан қўриб турибмиз.

Ўзбекистон ўз тарихи, маданияти, аҳолиси ҳамда журғофияси билан буюк давлат ҳисобланади. Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий ва яна қўллаб ислом уламоларининг яшаб, шўбля таратган маркази — шу Ўзбекистондир. Бундай бой меросга эга юртингизнинг ислом дини маърифатини юксалтиришга доир барча сайй-ҳаракатлари жуда катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги ташаббуси ҳажон ҳамжамиятида ислом дини бўйича маълумотга эга бўлиш даражасини қўтаришга эга ҳиссасини қўшмоқда. Қолаверса, бу Туркия томонидан яқиндан қузатилиб, юқори баҳо берилмоқда. Ўзбекистон худди ўтмишда бўлгани каби келажакда ҳам исломни тўғри тушунтириш ҳамда дунёга тўғри акс эттириш учун қучиладиган чоралар жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистонда Имом ал-Бухорий номидаги халқаро тақдиқот марказини тузиш, Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом университетни очилишини сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз.

— Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан яқинда туркиялик фуқароларнинг мамлакатимизга 30 кун давомида визасиз келиши йўлга қўйилди. Икки давлат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожитўғрисида нималар деа олсиз?

— Ўзбекистон фуқаролари учун 2007 йилдан буён Туркияга визасиз кириш тартибини жорий қилган Туркия визасиз саяҳат имконининг аҳамиятини жуда яқши билади. Президент Шавкат Мирзиёев имзолаган Фармон билан турк фуқаролари учун визасиз режим ёрдамида ҳам тадбиркорларимиз, ҳам сайёҳларимиз, қолаверса, сайёҳлик соҳасида иш юритувчи малакали мутахассисларимизнинг Ўзбекистонга келиши осонлашди. Мазкур ҳўжжат бизнинг юртда катта хурсандчилик билан қучиб олинди. Президентимиз бу ташаббус учун Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига қўнғироқ қилиб, миннатдорлигини билдирганлар.

Ўзбекистонни ўзи учун кашф этиб, унинг тарихини чуқур ўрганмоқчи бўлганлар, умуман, аҳдлол турки тарихига қизикқан фуқароларимиз аввалги виза қоида-сига миндан 40 минг, 2017 йилда эса 49 минг нафарга яқин туркияликлар Ўзбекистонга келди. Бошқача айтганда, икки йиллик ўсиш суръати 22 фойздан ортиқни ташкил этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташаббусидан сўнг бу кўрсаткичнинг жадал ортишига ишончимиз қучилди. Шунингдек, “Турк ҳаво йўллари”нинг 2018 йил 16 март кунй бошланган Истанбул — Самарқанд авиакатнови ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакompанияси парвозлари билан икки мамлакат орасидаги ҳафталик пар-

возлар сони жами 20 тадан ошайди. Мазкур миқдорни янада қўпайтириш, бориладиган шаҳарлар рўйхатини кенгайтириш бўйича иш юрятаямиз. Бу ўзгаришлар, шакшубҳасиз, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни ҳамда халқларимиз ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлайди ва Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшади.

Бой маданий меросга эга Ўзбекистон сайёҳлик учун жуда қулай имкониятларга эга. Буюк Ипак йўлининг тарихий жаҳоирлари бўлиши Самарқанд ҳамда Бухоро, дин улуглари ва илм арбоблари яшаб ўтган Мовароуннаҳрнинг қадим кентлари — Хива ҳамда Шаҳрисабз, Қўқон жаҳоннинг муҳим сайёҳлик марказла-рига айланиши мумкин. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида ҳам жадал ривожланишига ишончим қучилди.

Туркияда сайёҳлик тармоғига “Мўрисиз санает” деб қаралади. Туркия бир йилда 36 миллион сайёҳни қабул қилады ва ушбу соҳадан 34 миллиард АҚШ доллари миқдориде даромад қўради. Бу борада жаҳонда 6-ўринни эгаллашдек муваффақиятга эришиб, сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш йўлидан бормоқда. Туризмни ривожлантириш масаласида ҳам Туркия идоралари ҳамда ҳусусий сектори Ўзбекистон билан маълумот ва тажриба алмашмоқда, туризм ҳамда меҳмонхоналарни бошқариш соҳаларида тез-тез мулоқотлар амалга оширилмоқда. Қатор ва турфа лойиҳалар устида биргаликда иш юрятаямиз.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўртасида тармоклараро ҳамкорлик орқали қучайтириладиган туризм нафақат бизнинг, балки бошқа давлат фуқароларига ҳам илму ирфон, маданият, тарихининг юроти бешиги бўлган бу заминга келиб, мазкур бетакорор юрт билан яқиндан танишиш имконини беради.

«Халқ сўзи» мухбири
Омонулла ФАЙЗИЕВ
сўхбатлашди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мен шу каби қувончли воқеаларга гувоҳ бўлганимда, шеърларим орасида халқимизнинг тилига ўрнашиб қолган сатрларимни гўёки ҳозир ёганимдек ҳис этаман.

Онагинам, дориломон кунлар келди
шафақлари ол,
Бу кунларга етганлар бор,
етмаганлар бор.

Бу ажиб ва саодатли кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтиб, энди янада бирлашиб, фидойиларча меҳнат қилиб, муносиб бўлиб масъулиятли вазифаларни бажаришимиз керак. Чунки олдинда ўзбек ижодкорлари забт этиши зарур бўлган довлар, эгаллаши лозим бўлган чўққилар кўп.

— Президентимизнинг ижодкорларнинг заҳматли меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларга қўлай шарт-шароитлар яратиш борасидаги эътибори ўз самараларини бера бошлади...

— Бугун ижодкорлар юксак парвозга шайланиб турибдилар. Пойтахтимиз марказидаги Миллий бог ҳудудида Адиблар хиббони ташкил қилиниши, бу ерда устоз шоирларимиз ҳайкаллари ўнатилиши, халқимизнинг сеvimли шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов номлари абадийлаштирилиши, Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хайкали очилиши ва музейининг ташкил этилиши, шу Ватанга, шу халққа ҳақиқий оталик меҳрини кўрсатиш яшаб ўтган Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги кенг нишонлангани, ўтган йили август ойида Президентнинг ижодкор зиёлилар билан учрашгани, уюшмамизга фаолиятини энг юқори даражада олиб бориши учун қасрдек биро қуриб берилгани, қалам ҳақининг оширилиши каби воқеалар таърифига сўз ожиз.

Чингиз Айтматовнинг кундалик ҳаёт таъвишлари ҳар қандай буюк истеъдодни ҳам емириб ташлаши мумкинлиги ҳақидаги фикрини кўпчилик яхши эсласа керак. Ижодкорнинг қаддини кўтариш, унинг заҳматли меҳнатини эъзозлаш давлат раҳбарининг диққат марказида тургани адабиётимиз манглайида қуёш балққани билан баробардир. Ўртбосимиз шахсан ўз назоратларига олиб, ёш иктидор эгалари тирикчилигининг кўчаларида ҳар қўйга тушиб, бебаҳо истеъдодини йўқотиб қўймасан деб уй-жой, бошпана беришни йўлга қўйдилар. Бу — жуда улуг иш, хали бунинг юксак самараларидан халқимиз жуда кўп баҳраманд бўлади. Бундан йигирма йиллар муқаддам шахсан ташаббуслари билан ташкил этилган Зомин семинарининг очилишида Шавкат Мироновнинг "Ёш

ижодкорларимизнинг катта адабиётга қўйган қадамлари қўтулғ келсин", деган сўзини айтган эдилар. Мана, бугун шу тиланинг ҳам рўёбини, мевасини кўриб турибмиз. Қанчалаб ижодкор ёшлар адабиёт оламида ўз ўрнини топти, топиб бормоқда. "Дўрмон"да мунтазамлик касб этган мушоиралар, сўлим Зомин ва Паркентда қурилаётган дам олиш жойлари... Бу каби рағбатлардан замондош ижодкорларимизнинг руҳида кўтаринкилик, илиқ ҳиссиётлар жўшган.

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА:

«ОТА ЮРТИМ — БУЮК ҚЎРҒОНИМ, ОНА ХАЛҚИМ — СУЯНГАН ТОҒИМ»

Истеъдод дегани бу эзгулик ва яхшилик деганидир. Президентимиз қанча истеъдодли ва виждонли инсонларни озодликка чиқардилар, "Ҳаммаям хато қилиши мумкин, баъзида кечириб олам", деган ғояда халқчил фикр билан бу масалалар инсонпарварлик ва бағрикенглик билан ёндашганларини биз, шоирлар қанча улуғласак кам.

Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик фаолиятида сўз ва китобнинг, ижодкорнинг қадрига етган раҳбар тимсолини кўриб, шукроналар қиламиз. Бунини шунчаки мактов деб ўйламанг, сўз қадрига етган раҳбар нафақат адабиётнинг, балки халқнинг ҳам бахти эканини асрлар давомида турли халқлар тарихи исботлаб келган. Ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли асари бўлган "Чўққиди қолган овчининг охи-зори"да туркий халқларнинг бетакрор улуг адиби Чингиз Айтматов соҳибқирон Амир Темурнинг Эронга юриши пайтида Шероз шаҳрида тўхтагани ҳамда буюк шоир Ҳофиз Шерозийни ҳузурига чорлагани ҳақида ёзади. Сўхбат асосида ўзи ҳам шеърят ихлосманди бўлган соҳибқирон бобомиз шоирнинг лутфу қарамига, олижаноб қалбига қойил қолади-ю, мулозимлари томон назар ташлаб, шундай дейди:

— Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинг бу сўзларим ҳаргиз ёдингизда бўлсин!

Шу кунларда бу ривоятдаги ибратли ўғитлар тез-тез ҳаёлимдан ўтаётти. Заҳматка халқимизнинг бахтли бўлиш-

га ҳақли эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

— **Қарорда таъкидланган "Давлат — маънавиятнинг бош ҳомийси" эканлиги самаралари ҳусусида нималар дея оласиз?**

— Шу саволингизга ўз тақдиримдаги бурилишлар асосида жавоб берсам янаям тушунарлироқ бўлади, деб ўйлайман. Ўзбекистонга узоқ йиллар раҳбарлик қилган Шароф ота Рашидов чехраларида офтоб қулиб турадиган

қўринади. Давлат маънавиятнинг бош ҳомийси бўлмаса миллат миллат, халқ халқ, давлат давлат бўла олмайди!

— **Халқ руҳига таъсир қилиб, унинг қалбини туғёнга солиш қудратига эга бўлган маънавий омиллар орасидан керагини ажрата билиш ҳам муҳим масалалар сирасига қиради. Шундай эмасми?**

— Албатта. Шукрки, бизда халқимиз руҳига таъсир қилиб, қалбини туғёнга

солиш қудратига эга бўлган маънавий омиллар жудаям кўп. Лекин бу омиллар орасида асосийси адабиёт ва китобдир! Бугунги давр шиддатларини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Интернет саҳифаларида "оммавий маданият" хуружлари ёшларимиз онгу шуурига тинимсиз ҳужумлар қилиб тургани сир эмас. Баъзи сайтлар тинмай ўзбек қизларининг хоригида турмушга чиқиб кетаётгани, уларнинг айрим салбий хатти-ҳаракатлари ҳақида ёзиб, миллатимиз обрўини тушириш учун ҳаракат қилаётган бир даврда ҳар бир инсон, ҳар бир ўзбекистонлик маънавиятнинг посбони, ўз халқи шаънининг асрорчиси, қўриқчисига айланиши зарур.

Албатта, бот-бот такрорлаётганимиздек, глобаллашув даврида ахборот хуружларига тўсик қўйиш мушкул иш. Бироқ бу тушуна билан чегараланиб қолмасдан, атрофимизда юз бераётган ғоявий таъсирларга қарши чоралар, миллий меzonларни белгилаб олишимиз лозим.

Дабдабали тўй қилаётганлар, жамоатчилик фикрини писанд қилмайдиганлар, оиладаги носоғлом муҳит, мардикорликда юрган аёллар... Маънавий ҳаётимизга оид шу каби салбий кўрсаткичлар бор экан, биз ижодкорлар бедор кўнгирак каби ҳушёр турмоғимиз лозим. Жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиладиган ҳар қандай ҳаракатга адабиёт, китоб, санъат энг яхши чорадир.

— **Ижодкор сифатида ёнингиздаги инсонлар — миллатдошлар**

рингизнинг қаддини тиклаш, уларни шарафлаш, улуғлаш Сизга нималарни инъом этган?

— Мен бутун умрим давомида шеърни жону ҳаҳоним деб ардоқлаб, шеърятга борлигимни бағишлаб яшаб келаяпман. Шеърятга борлигимни бағишлаганим сари шеърят менга ҳаёт бахш этаверди. Шеър менга онахон халқимнинг меҳрини, устозларимнинг дуоларини, она-Ватанимнинг эҳтиромини ҳада қилди. Биламизки, инсон ҳаёти-

Елкам халқим елкасига тегиб турмоғи учун,
Бошим халқим қўлкасига эғиб турмоғим учун,
Унга қарши нима келса энгиб турмоғим учун,
Мендан қай иш лозим бўлса, Барчасига тайёрман!

каби сатрларимни ўйлаб топмаганман. Улар Яратган кўнглимга солган меҳрнинг изҳорларидир. Мен умрбод ота юртимни буюк қўрғоним, она халқимни суянган тоғим деб яшаб келаяпман. Одам халқини улуғласа ўзи ҳам улуглик, азизлик қўлади. Илдишлари минг йилликларга бориб етган бу халқ ҳар не юмуш айтса елка туттиш ҳар бири-мизнинг виждоний бурчимизга айланса, биздан бахтли миллат бўлмайди.

— **Яқинда "Дугоналар" журнали тақдими бўлиб ўтди. Бош муҳаррир сифатида бошлаган фаолиятингизда Сизга руҳий қувват, муваффақият тилаймиз...**

— Ташақкур. Юқорида айтганимиздек, бугунги зиддиятли глобаллашув даврида инсон қалби ва тафаккурини турли хил таҳдидлардан ҳимоялаш асрининг энг катта таъшиши, ижтимоий муаммосига айланди. Ким бизнинг эндигина ҳаётга кириб келаётган навниҳолдеккина қизларимизни, алломиш йигитларимизни, табиятан мунтазам ҳимоя ва меҳрга муҳтож қилиб яратилган аёлларимизни асрининг шундай таҳдидларидан асраши керак, қандай омиллар борки, биз бу жараёнларда Президентимиз ёнлариди туриб кураша оламиз?!

Мана шундай саволларга жавоб, муаммоларга ечим топиш, ютуқларимизни дунё ҳамжамиятига кўрсатиш учун яна бир майдон яратиш мақсадида шахсан давлатимиз раҳбари тақлифлари асосида "Дугоналар" журнали дунё юзини кўрди, десак, хато бўлмайди. Бу журнал аёлларимизнинг бахтиёрлик қўшиқлариюғина жўр бўлишга эмас, балки уларни қийнаётган ғаму ташвишларга елкадош бўлишга, ўша ташвишларни биргаликда енгиллаштиришга, ўзбекининг ойбарчин қизларини тарбиялашга, алломиш йигитларига мардлик сабоқларини етказишга ҳаракат қилади.

Президентимизнинг "Аёлни, онани рози қилсак ҳамма ишларимиз яхши бўлади", деган эзгу ғояларини руёбга қиқариш учун бу журнални сеvimли нашрга айлантириш йўлида фаолият бошлади.

— **Самимий сўхбатингиз учун катта раҳмат!**

«Халқ сўзи» муҳбири Шойим БЎТАЕВ сўхбатлашди.

Micros POS-системы / торговое оборудование

POS-СИСТЕМЫ И АВТОМАТИЗАЦИЯ

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинг и т. д.

+ ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

ATOX Microinvest аўтоматизация

✓ СВОЕВРЕМЕННАЯ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ!

(+99871) 200-34-34 (доп. 18) | www.micros.uz | scales@micros.uz | info@micros.uz

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

ЧЕКОВЫЕ ПРИНТЕРЫ | СКАНЕРЫ ШТРИХ-КОДОВ | ДИСПЛЕИ ПОКУПАТЕЛЯ | POS-ТЕРМИНАЛЫ И МОНОБЛОКИ | ВЕСЫ С ЧЕКОПЕЧАТЬЮ

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ВА ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35
Профнастил учун материал сифатида рулдондан кесилган гальванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ 0,7 мм. — 61 800 сўм / п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм / п.м.
- RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм / п.м.
- RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм / п.м.
- RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм / п.м.

Қўшимча маълумот учун куйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: (+998 95) 197-00-93

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХИТОЙДАН СИФАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ОМБОРХОНА ТЕХНИКАСИ

Компания ўз техникасини 1956 йилдан буён ишлаб чиқаради. | Тошкентдаги омборхонадан

«GST OIL» — Ўзбекистондаги расмий дистрибьютор

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод т., Исск сўв к., 118.
Телефонлар: (0-371) 269-29-61, 269-29-62, (+99890) 356-47-67.
E-mail: dilmurod_gst@yahoo.com
Веб-саҳифа: www.hyundai-gst.uz

Маҳсулот сертификатланган.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР» «САЛЕО» «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмулар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.

Тахриратта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва мустақил равишда қайтариб берилади.

Газетанинг сўхбат берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер терминал ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланиди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Ҳолматова.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6